

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буқуқ
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 18 август, № 162 (4315)

Шанба

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлида

«АСР МЎЪЖИЗАСИ»

Қашқадарё вилоятининг Тошгузар қишлоғидан бошланиб Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон тумани марказигача давом этадиган темир йўл қурилишини мутахассислар «Аср мўъжизаси» деб баҳоламоқдалар. Автоуловлар ҳам зўриқиб кўтариладиган Чак-чак довонидан кунлар келиб поезд ўтади, деб ким ҳам ўйлабди, дейсиз. Юртбошимизнинг ташаббуси билан бошланган бу улғу иш Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида ниҳоясига етмоқда.



Қурилиш материаллари, темир йўл хўжалиги учун зарур жиҳозлар юкланган поездлар денгиз сатҳидан 1540 метр балангликдаги «Оқработ» бекатида бемалол кўтарилиб келаяпти. Йўлнинг у ёғи эса тобора пасайиб боради.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бу нодир лойиҳани амалга ошириш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этди. Қисқа муддатда умумий узунлиги 224 километр бўлган темир йўл бунёд қилинди. 15 та бекат ва тўхташ жойлари қурилди, уларнинг инфра-тузилмаси яратилди.

Лойиҳа қиймати 447 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бу улкан қурилишда кейинги икки йил мобайнида ҳар куни 4-5 минг киши ишлади. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли мўъжизавий йўл қурилиб, пўлат излар ётқизилди.



Тошгузарлик темирйўлчилар сулоласи

Тошгузар қишлоғи Қарши-Китоб темир йўлининг шундоққина ёқасида жойлашган. Тошгузарликлар пўлат изларни бир маромда тақиллатиб ўтиб кетадиган поездларни ҳар куни бир неча бор кузатиб қолишган. Эҳтимол, шу сабаб бўлгандир, ҳар ҳолда қишлоқда темир йўл тизимида ишловчилар кўп. Ҳар икки хонадоннинг бирида темирйўлчи бор. Уларнинг кўпчилиги ўз қиш-


лоғидаги темир йўл бекатида ишлаяпти. — Қишлоғимизда 10 та олий маълумотли темирйўлчи бор, — дейди бекат навбатчиси Шеркул Обилов. — Отам темир йўлда ишлаган. Акам Ҳўжамқул Обилов қишлоғимиздан биринчи бўлиб Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтига ўқишга кирган. Кейин мен ўқидим. Бизга бошқалар ҳам эргаштиди. Илгариги темир йўл техникумлари, ҳозирги коллежларни битирганлар-ку янада кўп. Бизнинг оиламиздан учинчи авлод темир йўлда ишляпти. Катта ўғлим Шўҳрат янги темир йўлнинг «Чашмаи Ҳафизон» бекатида навбатчи. Темир йўлчилар сулоласи шундай давом этаёпти.



2004 йилда очилган «Тошгузар» бекатининг ўзига хослиги шундаки, Китоб йўналишига ҳам, Қумқўрғон йўналишига ҳам поездлар шу ердан ўтади. Ҳозир ҳар куни 10 та поезд қабул қилиниб, жўнатилаётган бўлса, янги темир йўл тўла қувват билан ишлаб бoшлагач, иш ҳажми янада ошади. Янги-янги мутахассислар керак бўлади. Биз бекат бошлиғи Жўма Ҳасанов билан суҳбатлашиб турганимизда Қарши томондан юк поезди келиб тўхтади. Қатор-қатор тизилган вагонларга майдаланган тош ортилган эди. Вагон назоратчилари дарҳол ялдраклар ҳолатини текшириб чиқишди. Шундан сўнг бекат навбатчиси по-

езднинг йўли давом эттиришига рўхсат берди. — Бу шағал Зийёвуддин карьеридан олиб келинаёпти, — дейди бекат бошлиғи. — У янги йўл орқали Сурхондарё вилояти ҳудудигача етказилади. У ерда темир йўлнинг сўнгги километрларини мустаҳкамлаш ишлари кетаяпти. Ҳар куни тўрт-бешта юк поезди ўтказамиз. Ҳаммасига қурилиш материаллари юкланган. Иш қўламининг нақадар кенглигини шундан ҳам билса бўлади.

Бўри НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг Давлат бюджетининг 2007 йил биринчи ярим йиллик ижроси тўғрисидаги ҳисоботиغا бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур қўмита раиси А. Аҳадов бошқарган тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари иштирок этди.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий ҳаёти янада ривожланиб, яли ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,7 фоизни ташкил этди. Шунингдек, саноат маҳсулотлари 11,6, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 5,5, пудрат қурилиш ишларининг 20,5, чакана товар айланмасининг 16,8, аҳолига пулли хизмат кўрсатишнинг 25,1 фоизга ўсиши ҳам мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини кўрсатиб турибди.

2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетининг 1,9 фоиз профицит билан ижро этилди. Йиғилишда сўз олганлар биринчи ярим йилликда бюджет харажатларининг асосий қисми аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашга, иш ҳақи, стипендия ва аҳолига бошқа тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш,

тўлов интизомини мустаҳкамлаш, солиқ юқини камайтириш асосида тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб, қўшимча иш ўринларини яратишга қаратилганини қайд этдилар.

Шу ўринда айтиш лозимки, кейинги йилларда умумтаълим мактаблари биноларини замон талабларига мослаштириш, моддий-техника базасини ривожлантириш ва ўқитувчилар иш ҳақларини ошириш ишларига ҳам бюджет харажатларидан катта ўрин ажратилмоқда. Соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш соҳалари ривож учун етарли эътибор ва маблағлар ажратилганини ҳам йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

Энг муҳими, ҳисобот даврида Давлат бюджетининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида ижро этилди.

Қобил ХИДИРОВ.

Эртага — Ўзбекистон Республикаси Ҳаво флоти куни

ХАВФСИЗЛИК, ИШОНЧЛИЛИК ВА ЮҚОРИ СИФАТ

Мамлакатимизда ҳар йили август ойининг учинчи яқшанба-сида, демак, бу йил 19 августда, Ҳаво флоти куни нишонланади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исроил Каримовнинг доимий элчиси натижа-сида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мустақиллик йилларида соҳада изчил ислохотларни амалга ошириб, ўз макенини янги, юқори даражада кўтаришга муваффақ бўлди.

Ҳаво кемалари парки модернизация қилинди, Фарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш бўйича замонавий база яратилди, нафкат пойтахтда, Балхи вилоят марказларида ҳам аэропортлар реконструкция қилинди. МДҲда ҳаво харақатини бошқаришда энг яхшилардан бири бўлган Ўзбекистон навигация тизими тақомиллаштирилди, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, авиация хавфсизлигининг самарали тизими ташкил этилди. Ушбу саломлиқ вазиёларнинг муваффақиятли ҳақи эътилоши Ўзбекистонга жон авиатранспорт тизимига қўшилиш ва унинг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айлануш имконини берди.

Улғу байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида Миллий авиакомпания хаво кемалари паркин янгилаш ва бирхиллаштириш бўйича дастурни амалга ошириш борасида яна бир муҳим қадам қўйилди. Жорий йилнинг май ва июнь ойида «Боинг» авиация-космик корпорацияси билан иккита «Боинг-787» «Dreamliner» самолётини ҳамда «Эрбас Индастри» консорциуми билан олпата А-320-200 авиалайнерларини сотиб олиш бўйича шартнома имзоланди. Фарбда ишлаб чиқарилган хаво кемалардан ташқари ўзимизда ишлаб чиқарилган Ил-114-100 самолётлари ҳам харид қилинди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик — менинг тақдиримда!

65 га кирдим. Бугун ўйлаб қарасам, ўтмишда кўп ишларга кўр-кўрона ёндашган эканмиз. Ватан, қадр-қиймат, одамийлик, миллат деган тушунчаларни нотўғри тақдир этганмиз. Шўро даврида миллат, дин ва эътиқод деган сўзлар қариб йўқолган эди. Шўқрлар бўлсинки, мустақиллик туфайли буюқ ажодларимиз яратган бойликларга, қадриятларимизга, меросларимизга эга бўлдик.


ИҚБОЛИ КУЛГАНЛАР САФИДА

Ўтган асрнинг 80-йиллари эди. Иванов ва Гдлан деган «хўққушнос»лар Сурхондарёнинг энг сара одамларини ўзларининг «чиғирик»ларидан ўтказиш, адолатсизликка йўл қўйишди. Жабрийлар сафидан мен ҳам бор эдим. Адолатсизликларни, инсон ҳуқуқларининг топталишини кўриб, чидаб бўлмас ҳақоратларни эшитиб, юрак-бағри зилиб кетган одамча эдимки? Биргина ана шу ҳолат учун ҳам Исроил Каримовнинг жасо-

ратиға минг бора тасанно-да ҳалол меҳнат билан қадр-қийматини тиклашга муяссар бўлдим. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган ун-вон соҳибимди. Давлат гам-хўрлиғи туфайли Ҳаж зияратини амалга оширдим.

Ислохотлар — инсон учун деган гоя ўзига хос ном билан аталаётган ҳар бир йил-лимизда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 16 йиллигида ҳам ҳукуматимиз томонидан беқийс эзуликлар амалга

оширилатир. Кам таъминланган, ҳўққуқсиз йўқотганлар доимий эътиборда. Бундай гамхўрлик кимни руҳлантирмайди дейсиз. Ешларни она Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаб келаётган 186 минг ота-онахонларимиз элнинг обод фаровон юртимизнинг тинч-тотув бўлиши, учун дуога қўл очиб туришди. Кейинги 3 йилда кўп болалар, эҳтиёманд оилаларга 460 та қорамол берилди. Бу қарийб 200 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди, демак-



Орзукул СОАТОВ, Сурхондарё вилояти «Нуроний» жамғармаси Кенгаши раиси.

МАРФИЛОНДА МУШОИРА

Дунё тамаддунининг қўна бешикларидан бўлмиш Самарқанд ва Марғилон катта тантана тарғудулида. Бу кўнлўқ юбилейларнинг истиклолимиз айёми билан уйғун ўтказилаётгани маросимларга янада шўққ бахш этган.

Кўни кеча самарқандлик бир гуруҳ иждоқору санъат усталари Фарғонага, хусусан, байрам оғушидаги Марғилонга ташриф буюришди. Меҳмонлар шаҳардаги юбилей муносабати билан барпо этилган иншоотлар, қайтадан тикланган осори-атиқалар билан яқиндан танишди.

Қайта таъмирланиб, адабиёт илосмандларининг семимли масканига айланган «Увайсий уй-музейи» барчада катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, шаҳар астироҳат ва ма-

даният боғида бўлиб ўтган учрашу-влардаги мушоиралар, гурунгу шеър-хонлик узоқ давом этди. Айниқса, Жаҳон отан Увайсий номидаги ада-бий тўғарак қатнашчилари Самар-қанд шаҳрининг 2750 йиллигига атаб тайёрлаган кўтлов дастури меҳмон-ларни хушнўд қилди.

Ҳар икки шаҳар тўйларига бағиш-ланган бу каби тадбирлар Кўқон шаҳри ва Шохимардон қишлоғида ҳам бўлиб ўтди.



Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

18-19 август — Умумхалқ хайрия ҳашари

Халқимиз ҳамжиҳатлигининг яна бир ифодаси

Бугун мамлакатимиз бўйлаб икки кунлик умум-халқ хайрия ҳашари бошланди. Ҳашар халқимизнинг азалий эзгу анъаналаридан бири ҳисобланади. «Ижтимоий ҳимоя йили» дастури доирасида ушбу тадбирнинг ўтказилиши, айниқса, катта аҳамиятга эга.

Тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳузурида Республика ишчи гуруҳи тuzилган. Мазкур гуруҳ икки кун мобайнида умум-халқ хайрия ҳашарининг кўтаринки руҳ ва юқори савияда ўтказилишига бош-қош бўлмоқда.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги шодибанлари арафасида мамлакатимиздаги вазирликлар, идоралар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар, қорхона ва муассасалар ходимларининг умумхалқ тадбирига жалб қилиниши туфайли маҳалла ва қишлоқлардаги, кўча ва хиёбонлардаги дов-дарактлар буталиб, оқланмоқда. Ариқ ва зовурлар тозаланмоқда. Маҳалла гузарлари, мактаблар, боғчалар, коллежлар, зияратгоҳлар тартибга келтирилмоқда.

Бизга тақдим этилган маълумотга кўра, Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилган қўтилаётган янги шифоналар, мактаблар, коллежлар ва йирик иншоот — «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилишида ҳашарчилар бунёдкорлик ишлари-га ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Бу ҳам янги иншоотларнинг тезроқ қуриб битказилишини бир қадар тезлаштиради.

Юнус БҮРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2007 йилнинг олти ойи мобайнида «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясида

512,5 минг тонна минерал уғит ишлаб чиқарилди.

Компания таркибидagi қорхоналар давлат маблағи ва хорижий сармояларни жалб этиш ҳисобига модернизация қилинган, технологик жиҳатдан қайта жиҳозланган, мавжуд қувватлар ва ресурслардан унумли фойдаланилгани туфайли шундай иқобий натижага эришилди.

МАМЛАКАТ бўйлаб

“Келажак овози” — иқтидор кўриги

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган маъруза танловнинг бугунги голиблика талабгорлари талайгина.

Бу йил илк бор танловнинг “Спорт” йўналиши бўйича ҳам голиб ва совридорлар аниқланди.

Саралаш босқичидан ўтган 41 нафар ёш иқтидор соҳиблари декабрь ойида бўлиб ўтadиган республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Эслатиб ўтамиз, бу босқичда голиб топилган ёшлар мамлакатимиз олий ўқув юртиларига имтиёзли равишда — тест синовларисиз қабул қилинади.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

«Ташаббус» иш бошлади

Хоразм вилоятида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи «Ташаббус» нодавлат-ношароит ташкилоти ўз ишини бошлади.

Ўшбу ташкилотнинг «Карорларни қабул қилишда ёшларнинг иштирокини фаоллаштириш» мазмундаги лойиҳаси Жаҳон банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан маъқулланиб, уни амалга ошириш учун грант ажратилди.

Ҳақиқат шунки, бу фаолият доирасида ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини фаоллаштиришга қўмаклашади.

О. РАҲИМОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Ёш олимлар йиғини

Самарқанд давлат университетда Ўзбекистон ёш олимлари миллий жамияти, СамДУ ва Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида республика ёш олимларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тадбирда мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги олий ўқув юртиларидан келган ёш олимлар иштирок этишди. Анжуманда қадим шаҳарнинг ислом дини ва маданиятида

тутган ўрни, Улугбек мактаби аъёнлари, шаҳар илмий муҳити, фалсафа, ҳуқуқ ва давлатчилик масалалари бўйича маърузалар тингланди.

А. САТТОРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Қадим маҳалланинг замонавий гузари

Муस्ताқиллик байрами арафасида Абдухалиқ Ғиждовнинг номли маҳалла фуқаролари учун кўп қаватли гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳашар йўли билан ҳоимлар кўмағида барпо этилган бу замонавий бино Ғиждовдаги энг обод ва қадимий саналган маҳаллага жуда ярашиб тушди. Гузарнинг янги биногаси қариялар чойхонаси, маҳалла йиғингоҳи, шинаи ва дўғ иш хоналаридан иборат яхлит жамуладир. Шунингдек, бу ерда аҳолига турли хизматлар кўрсатишчи шохоб-чалар ҳам жойлашган. Хунармандлар маҳалласи сифатида ном қозонган бу мақсадда ҳозир 34 нафар хотин-қиз тикуччилик сирларини ўрганимқда.

И. ИБРОҲИМОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Совғага — спорт анжомлари

Фарзандларимизнинг жисмонан соғлом бўлишида спортнинг ўрни беқим.

Шу боис ҳам ҳуқуқматимиз томонидан маҳаллаларда спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ўшбу ҳайратли шға ҳисса қўлишга бел болаган “Соғлом авлод” халқаро ташкилоти кўни кеча Қорақалпоғистон ва республика вилоятла-

М. ХОЛМАТОВА,
“Халқ сўзи” мухбири.

Истаган ишини топар

Термиз шаҳридаги бандликка кўмаклашувчи марказга шу йилнинг ўтган этти ойи мобайнида 1200 нафар фуқаро 1070 нафари муро-наш сўраб мурожаат ди ҳосил бўлганидан хурқилган эди.

Марказ яқинда шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда навбатдаги меҳнат йрмаркасини ўтказди. Бу эрта-индин ишга тушиши кутилаётган иккита йирик қўша корхонага малакали ишчиларни чорлов тадбири эди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ижроси ҳам янги иш ўринлари қўлайлигига имкон яратмоқда.

О. УСАНОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Дала ишлари қизгин

Жиззах вилояти Дўстлик туманида 712 фермер хўжалиги 14 минг гектар майдонда гўза парварлишмоқда. Тўрт-беш марта ишлов берилгани учун барча майдонларда ҳосил чўғи баланд.

Сарқисов номидаги сувдан фойдаланувчилар уюшмаси Худудидати «Жураб-Қ» фермер хўжалиги деҳқонлари 64 гектар майдондаги гўзани иккинчи бор чилпидан чиқарди.

Утган йили ҳар гектар ердан 31 центнердан ҳосил олди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Пиримқул Турдибеков. — Бу йил ҳосилдорлиғи 35 центнердан ошириш мақсадида тер

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ҲА мухбири.

Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси олдидан

Қонун ижодкорлиги йўлида профессионал парламент тизимининг яратилганлиги мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини ўтказаяпти. Хусусан, улар томонидан тайёрланиб, татбиқ этилаётган ҳар томонлама пухта қонунлар юртимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни янада жаддалаштириш, жамиятда ушбу соҳалар фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг ишлаш

механизмини янги босқичга олиб чиқиш имконини бермоқда. Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси кун тартибига қўйилган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. Мухбиримиз ушбу Қонун юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзоси Сулаймон УРОҚОВ билан суҳбатлашди.



бир марта махсус ваколатли давлат органи томонидан аттестациядан ўттирилади.

Шу билан бир қаторда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан боғлиқ меъёрга киритилаётган ўзгартиш назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг топшириғига бйноан фақат аудиторлик ташкилоти билан назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида тузилган шартнома асосида турли текширувларни ўтказишда мутахассислар иштирок этиши белгилаб қўйилмоқда.

— Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, мутахассислар иштирокидан қўзланган мақсад нима?

— Албатта, бу савол қўйилишда туғилиши табиий. Мутахассисларнинг иштироки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аудиторларни мажбурий тарзда текширувларга жалб этиш ҳолатларининг олдини олиш, аудиторлик ташкилотлари ва уларнинг аудиторлик текшируви натижалари учун жавобгарлигини оширишга қаратилган.

Яна шунинг таъкидлаш лозимки, аудиторлик ташкилотларининг битта хўжалик юритувчи субъектда уч йилдан ортиқ кетма-кет текширув ўтказиши тақиқланган. Шунингдек, амалдаги қонуннинг таъкидлаш қисмлари янада аниқлаштирилиб, нормалар қатъий белгиленмоқда.

К. ХИДИРОВ суҳбатлашди.

АУДИТ ТЕКШИРУВИ МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

— Сулаймон Саломович, навбатдаги ялпи мажлис кун тартибига мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор бир неча қонунлар киритилган. Шулар қаторида “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун ҳам бор. Суҳбатимиз аввалида ушбу ҳужжатнинг қабул қилинишига қандай омиллар туртки бергани ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Мамлакатимизда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирларни жаддалик билан ривожлантириш, аудит тизимидagi ишларни талаб даражасига кўтариш, аудитни бизнес самарадорлигини баҳолашнинг амалий воситасига айлантиришга катта эътибор қаратишмоқда.

Шу боис, ўтказиладиган аудиторлик текширувларини юқори — профессионал даражада ташкил этиш, шунингдек аудит тизимининг молия

бозорига етарли ишонч қозонишига эришиш мақсадида амалдаги қонунни ўзгартиш зарурати туғилди. Қолаверса, маъруз Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Умуман, аудиторлик соҳаси фаолияти таҳлили ҳам мана шу ўзгартиш ва қўшимчаларга эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда. Қўпгина ҳолатларда ушбу соҳада аудиторлар ўзлари фаолият юритаётган аудит ташкилотлари маъмени саноқламаётган, аудиторларнинг расман бир аудиторлик ташкилоти шартига киритилган ҳолда бошқа аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида текширувлар ўтказиб турилиши маълум бўлди. Бу, табиийки, аудиторларнинг текширувларини ўтказишга озаки қараётганидан ҳамда текширишлари миқозлар билан келишиб амалга ошираётганили

гидан далолат беради. Бу эса, амалда ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

— Айтинг-чи, Қонунга қандай ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Қароридан келиб чиқиб ҳамда амалдаги Қонунга бйноан “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида”ги Низом тасдиқланган эди. Ушбу Низомнинг 3-бандига мувофиқ аудиторлик ташкилотлари фаолиятларининг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Янги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётган Қонун ҳам аудиторлик фаолияти тамойилларини белгилаб берувчи алоҳида модда билан тўлдирилмоқда.

Аудиторлик ташкилоти устав капиталининг 51 фоиздан кам бўлмаган миқдори маъруз аудиторлик ташкилотининг бир ёки бир неча шатдаги аудиторларига тегишли бўлиши шартли белгилаб берилган, шунингдек амалга ошириладиган аудиторлик текширувларининг туридан келиб чиққан

ҳолда аудиторлик ташкилотининг энг кам шат бирлиги ҳам аниқлаб берилган. Негаки, амалиёт аудиторлик ташкилотлари ўз шатларидега иккитадан ошмаган миқдорда аудиторга эга эканликларини ва бундай вазият уларнинг йирик хўжалик юритувчи субъектларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш имконини кўрсатмоқда.

Аудиторлик ташкилоти фаолиятида лицензия талаблари ва шартларига риоя этишининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда амалдаги Қонуннинг 7-моддасига аудиторлик ташкилотининг маъруз талаб шартларига риоя этиш мажбуриятини таъкидловчи қўшимчалар киритилмоқда. Шунингдек, аудиторларнинг бир йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишларини таъминлаш, аудиторлик ташкилотларини мажбурий рейтинг баҳолаш учун аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси суровига қўра ахборот тақдим этиш каби нормалар белгиленмоқда. Қонунга киритилган қўшимчаларга қўра, аудиторлик ташкилотининг раҳбари уч йилда

(Давоми. Боши 1-бетда).

авиатехникани таъмирлаш бўйича Европа бозорига ҳам кириб борди. Илк бор Италиянинг “Air Itali” авиакомпаниясига қаршили Боинг-757 лайнерига техник хизмат кўрсатилди. Бакарилган иш сифати ва муддати италиялик мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Хаво ҳаракатини бошқариш хизматларининг фаолияти ҳам такомиллаштириб бораётган. Ўзбекистон ҳудудидagi навигация тизими МДХда энг яхши тизимлардан саналади ва уни бошқа авиакомпаниялар ҳам ўрганмоқда.

ХАВОСИЗЛИК, ИШОНЧЛИЛИК ВА ЮҚОРИ СИФАТ

Ўзбекистон аэропортлар тармоғи давлат транспорт инфратузилмасининг пойтахт билан вилоятлар, шунингдек, дунёнинг турли мамлакатлари ўртасида хаво орқали тезкор қатновларни амалга ошириш имконини берувчи муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳоржиқ кредитларидан оқилона фойдаланиш Ўзбекистон аэропортларини тез ва сифатли реконструкция қилиш имконини берди. Энди янги ушчиқўш йўлақлари ҳар қандай турдаги самолётларни, терминналлар эса тўбора қўлайиб бораётган йўловчиларни қабул қилиши мумкин. Мамлакатимиздаги деярли барча аэропортларда Россия ва МДХ шаҳарларига тўғридан-тўғри авиакатновлар амалга оширилмоқда. Бу эса Ўзбекистон тадбиркорлари учун ҳоржиқ шерклар билан савдо алоқалари ва ҳамкорлиғи кенгайтириш, ижтимоий-маданий, гуманитар соҳадаги ўзаро ҳамжиҳатлиқни чўқурлаштиришга шарт-шароит яратмоқда.

Бу рақамлар нимадан дарак беради? Кейинги йилларда қонун бузиш ҳолатлари сони ошдими? Бизнингча, масалга бошқа жиҳатдан ёндошилса тўғри бўлади. Янги фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши англаб бормоқдалар, ҳар қандай қонун бузилиш ҳолатларига муроғасизлик муҳити вуҷудга келмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий тафаккури ошиб бориши адолатли демократик жамиятнинг бирламчи шартидир. Шу маънода бундан бунён ҳам суд-ҳуқуқ ислохотларини босқичма-босқич давом эттириш, парламентининг қабул қилаётган қонунлар муҳоятини омма онига синдириш зиммасиданга асосий вазифалар сирасига қиради.

Комил ИСМОИЛОВ,
ҳуқуқшунос.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — АДОЛАТ КАФОЛАТИ

Муस्ताқилликнинг 16 йиллиги мобайнида Президентимиз раҳнаомлигида эришган натижаларимиз Ўзбекистон учун танланган йўлнинг нақадар тўғрилигини тасдиқлайди. Давлатимиз, ҳоржиқ кузатувчиларнинг эътирофи бўйича ҳам, тарихан қисқа мудатда асарга тенг йўлни босиб ўтди. Биргина иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги марраларимизни кўз олдимизга келтирайлик. Аввало, инсон манфаатини кўзловчи ислохотлар туфайли хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжалиқлари иш фаолияти мукамаллашди, уларнинг ички «рўзгор»ига ноқонуний аралашшига барҳам берилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, халқ истеъмоли моллари ҳажмини қўлайтириш аҳли турмуш даражасини юксалтириш имконини берди. Ташқи иқтисодий алоқалар ҳажми салохиятимиз қанчалик ошиб бораётганини кўрсатиб турибди. Ҳуқуқий ҳаётда, 2007 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 9,7 фоизга ўсди.

Давлатимиз раҳбари 2007 йилни Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилганликлари муносабати билан давлатнинг қўли ижтимоий муҳофаза сиёсати ҳар қанچадан кенг қамровда намён бўлмоқда. Бу борада белгиланган Давлат дастури ижроси, ижтимоий ҳимоянинг аниқ манзилли бўлиши адолатли ҳуқуқий демократик жамият талабларига тўпаллигича мос келади.

Президентимиз ўқирганларидек, ҳуқуқий давлат қуришига қиришган эканмиз, аввало, жамиятда умумий маданиятни юксалтириб боришга, инсонларнинг маънавий камолотини ва ҳуқуқий билимларини тобора бойитиш сари ҳаракат қилишимиз керак. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаган фуқарони серқатнов кўча ўртасида қўзини боғлаб олган йўловчига қийс-лашлари беқим эмас. Учинчи йил муваффақиятли фаолият кўрсатаётган икки палатали парламентимиз ишлаб чиқаётган қонунлар ўз моҳияти ва мазмунини жиҳатидан демократик, адолатли, инсонпарвар бўлиб, давлат ва фуқаролар ўртасидаги барча муносабатларни аниқ белгилаб бермоқда. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишида давлат органлари, мансабдор ва юридик шахслар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ҳамда фуқаролар бево-сита иштирок этмоқдалар.

Мамлакатда иқтисодиётнинг ривожланишида амалга оши-

рилаётган суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотларнинг ҳам роли катта. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва тайинлаш ишлари яхшиланди.

Мамлакатда қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали тадбирлар амалга оширилиши натижасида республикада йилдан-йилга умумий жиноятчилик даражаси камайди. Жумладан, 2007 йилнинг биринчи ярмида оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг камайишига эришилди.

ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тасвия этиш бўйича олий малака комиссиясининг иш фаолияти янада такомиллаштирилди. Судья лавозимига тасвия этилган кадрларнинг ўқитиш ва уларни тарбиялаш ишлари ташкиллаштирилди.

Бунинг натижасида судларнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Ярашув институтини қўллаш натижасида жорий йилнинг 6 ойида 5551 нафар шахс «судланган» тамғасидан қутулди. Маъруз институт амалиётга, жорий қилингандан буён

Кучли давлатдан — кучли жамият сари

1996 йил 29 августдаги Олий Мажлиснинг биринчи қақриги VI сессиясида мамлакатимиз Президентини И. Каримовнинг суд ислохотини чўқурлаштириш тўғрисидаги сўзлаган нутқида «Суд ислохотини чўқурлаштириш, ҳокимиятининг учинчи, муस्ताқил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни муштақамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир. Суд қазовончи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам муस्ताқил бўлиб қолдиши лозим» деб таъкидлаган эдилар.

Дарҳақиқат, охириги йилларда суд органлари маквеи ошиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи идораларга айланди. Президентимиз Фармонига қўра, Ўзбекистон Республикаси Президентини судлар томонидан қарийб 60 минг нафар шахс жиний ҳаво-боғридан озод этилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Ҳали жазоси беқор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга

судлар томонидан қарийб 60 минг нафар шахс жиний ҳаво-боғридан озод этилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Ҳали жазоси беқор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга

Бу рақамлар нимадан дарак беради? Кейинги йилларда қонун бузиш ҳолатлари сони ошдими? Бизнингча, масалга бошқа жиҳатдан ёндошилса тўғри бўлади. Янги фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши англаб бормоқдалар, ҳар қандай қонун бузилиш ҳолатларига муроғасизлик муҳити вуҷудга келмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий тафаккури ошиб бориши адолатли демократик жамиятнинг бирламчи шартидир. Шу маънода бундан бунён ҳам суд-ҳуқуқ ислохотларини босқичма-босқич давом эттириш, парламентининг қабул қилаётган қонунлар муҳоятини омма онига синдириш зиммасиданга асосий вазифалар сирасига қиради.

Комил ИСМОИЛОВ,
ҳуқуқшунос.



Муस्ताқилликнинг улугъ неъмат эканлигини ўрта ва кекса авлод кишиларига ўқитиришнинг ҳолати йўқ: улар бу ҳаётини ҳақиқатни ўзлари кўриб-билиб туришибди. Масалан, бугун эллик ёшнинг нари-берисидега бўлганлар яхши эслашадикки, болалик-йигитлик чоғларида Тошкентда, Ўзбекистонда икки қаватли хусусий уй бўлишини ақлга сиғдирилмасдилар. Шахсий автобус ёки трактор сотиб олиншини-ку, асти қўвверинг. Ва, ҳайратлангли гапирардикки — чет элларда хусусий магазинлар бор экан! Бу тушунча биз учун ниҳоятда ҳайратлангли эди!..



ҚУРУВЧИ ЖАББОР ОТАНИНГ РАСТАСИ

Буни яна бир бор эслашга қўлимиздаги иккита сураст ундади: қаранг, бири шуро замонидан қолган бозор манзараси, яқин-яқингача мана шундай чодир тикилган, қишда лой, ёзда тупроқ бозорларда савдо-сотик қилинган, иккинчиси — бугунги бозор. Ҳа, Муस्ताқиллик неъматиди, озошлик, хурлик берган қонун-қондалар шарофати билан бунёд этилган, мана-ман деган ривожланган давлатлардаги тижорат дўконлари билан бахшлашадиган бозор шохобчалари.

Бу ҳолатнинг киши қалбини тўқинлантирадиган яна бир жиҳати бор: етмиш ўшли умрининг яримдан қўпини қурувчиликка бағишлаган, етти ёшида отасидан

етим қолиб, улғайганда оила гавҳулигини орузлаб ўн фарзандни тарбиялаб вояга етказган кишининг савдо растаси бу.

Муस्ताқиллик — улугъ неъмат

— Ўғлим, Муस्ताқиллик нималигини мендан, қорнимиз қотган нонга зўрга тўйиб, борда эшак-арава, йўқда унга ҳам зор бўлиб ишаган одамлардан сўранг, — дейди Жаббор ота Сатторов аҳаюнжонлиб. — Яратганга беадад шўқр, дорилоним қунларга етдик. Биринчи шу қунларга бошлаган Юртбошимизга раҳмат. Бугун мана шу улугъ ҳақиқатларнинг қартайилан Жаббор бобо ҳар сафар харид учун деҳқон бозорига кирганида, бозор худудининг бир қисмидаги ўйдим-қунур, айдоқ ерда савдо қилинаётганини кўриб, қўнгли гаш бўлиб чиқарди: «Бу шароит энди бизга ярашмайди-да!» Ана шу қунларнинг бирини Президентимизнинг деҳқон бозорларида ёпиқ савдо


ларини сотишга рухсат берадиган қарори чиққанини эшитиб қолди. Ота ўғил-қизларидан сўраб-суриштириб, ўша хужжатни топиб, ўзи жиҳжалаб ўқиб чиқди. Бозорнинг бир қисмида савдо растаси қурди. Ниҳоят, талаб қилинган барча қонун-қондалар асосида мана шу раста бундга келди. Умр бўйи лой қориб, гишт терган бинокор бугун замонавий темир ва пластмасса материалларидан шундай растани бунёдга келтирдикки, уни томоша қилиб кўз тўймайди. «Бободоҳқон» бозорига ташриф буюрган барча деновлик юртдошлари бу иш учун унга раҳмат айтишмоқда.

А. АЛИМОВ,
СУРАТЛАРДА: кеча ва бугун.

В. НИКОЛАЕВ,
ҲА мухбири.

ЎЗБЕК ИСТИХОРЛАРИ

Ирода Тўлаганова:



«Ойнинг ўн беш ёруғ...»

Мен ўзбекистонликман, деган борки, Ирода Тўлаганова номини эшитгани захоти қалби ифтихорга тўлади. Унинг теннисда эришган ютуқлари дەرли ҳар биримизни қувонтиргани, олам-олам завқ бағишлагани сир эмас...

СПОРТНИНГ ОЛАМИ

Сирли

— Омад менга энг навқирон чоғимда ўз мукофотини тортиқ қилди. Ўзбекистон теннис мактабининг ёш вақили сифатида жуда кўп халқро турнирларда иштирок этиб муваффақият қозондим...


ролмадим. Кичикроқ мусобақаларда қатнаша бошладим. Барибир жараҳат ўз кучини кўрсатди. Кетма-кет мағлубиятлар. Баъзида ракеткани улоқтириб юборганим келарди...

муқаддам ёш Ирода нималарни орзу қилган... — Тўғриси, болалигимдан спордесса бўлишни орзу қилганман...

майсан, келажакда яхши теннисчи бўла олишимга кўзим етмайди деса бўладими? Бу гапдан дугоналарим орасида роса хижолат чекканман. Уйга келиб тун бўйи йиғлаб чиққанман...

бўш вақтим кўпроқ, Шу кунги уй юмушларига қўмақлашаман, ўзимга қарайман. Ҳамама катори чиройли кийиниб юришни яхши кўраман. Айниқса, спортчи учун бу жуда аҳамиятли...

интилсам, ўз устимда ишлашни қанда қилмасам, яна аввалги мавқимни тиклаб олишимга ишонардим. — Қачонлардир спортни тарк этишимизга тўғри келса...



Роналдиньо ва Кака яна Бразилия терма жамоаси шарафини ҳимоя қилишади. Кўпчилик мухлислар бу икки чарм тўп устаси «Америка кубоги» — 2007-да иштирок этишдан бош тортганидан сўнг, терма жамоа мураббийи Дунга энди бу футболчиларни тарбиялаб жаблб этайди, деб ўйлашаётганди. Лекин Дунга кек сақлайдиганлардан эмас экан.

Дунганинг ёмон туши

— Гарчи биз Роналдиньо ва Какасиз ҳам «Америка кубоги»-да галаба қозонган бўлсак-да, уларнинг хизматларидан фойдаланишда давом этамиз. Роналдиньо ва Каканинг «Америка кубоги» мусобақасида терма жамоа шарафини ҳимоя қилишни рад этганликларини эса бир ёмон туш деб, ҳисоблаймиз...

Бразилия терма жамоаси Жаозир терма жамоасига қарши бўладиган ўйнинг ҳозирлиқни бошлаб юборган. «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар беришича, машғулларда ЦСКА (Москва) ҳужумчиси Вагнер Лав ва яқиндаги «Шахтёр» (Донецк)дан «Манчестер Сити»га ўтган ярим ҳимоячи Элано ҳам иштирок этмоқда.


Профессионал бокс оламининг тирик афсоналаридан бири — Марко Антонио Баррера олтинчи октябр кунги фаолиятидаги сўнгги жангини ўтказди. Рақибни филиппинлик боксчи Мэнни Пақьяо бўлади.

Баррера: кетар жафоси

Осиёлик бу «Чарм кўлқоп» устасини мексикалик боксчилар «қушандаси» десақ, хато бўлмайди. У дастлаб Эрик Моралесни сафдан чиқарди. Кейин эса Баррера унинг зарбаларидан ҳимоялана олмай, ожиз қолди. Лекин Антонио Баррера ва Мэнни Пақьяо дуэли яна давом этади. Хуллас, Баррера учун ҳисобни тенглаштириш имконияти бор.

— Биринчи жангда Мэннига ташаббусни бериб қўйганим эсимда. Ушунда у ҳақли галаба қозонганди. Энди эса бунга йўл қўймайман. Олтинчи октябрда мухлисларим мени яна чемпионлик камари билан рингдан ва боксдан кузатиб қўйишади. Тақдирим жанг ўтказишга розилик берган рақибим ва унинг промоутери Боб Арумга ҳозирданок миннатдорлик билдираман, — дея айтиб ўтган Баррера.

Фалиддин АБИЛОВ.



13 ёшида гроссмейстер бўлди

Эндигина 13 ёшини қаршилаган россиялик шахматчи Алина Кашлинская маҳорати га дунё спорт жамоатчилиги тан бермоқда.

Юрт шаъни юксакликда

«Тасаввур қилинг, жаҳон чемпионатида ўйнаяпмиз. Уйининг 90- дақиқаси, лекин ҳисоб очилгани йўқ — 0:0. Тўп менга келиб тушади. Шу пайтда йиқилману лекин тўпни тегишга улгурман. У тўғри бориб рақиб дарвозасига тушади...»

Болаларга бош эгган Зидан

Бу жаҳон футбол юлдузларидан бири Зайниддин Зиданнинг орзуси эди. У бу билан 2000 йилда журналистлар билан бўлган суҳбатда айтган. Афсуски, футболчининг орзуси озулигина қолди. Зидани сўнгги ўйинда майдондан чиқариб юборишди. Лекин у стадионни марғур тарк этди. Уша пайтда унинг хаёлидан нималар келгани ягона Яратганга аён. Зидан ўйин охиригача майдонда қолганда Франция жаҳон чемпиони бўлиши мумкин эди. Лекин Зидан ўз шаънини, қадр-қимматини жаҳон чемпионлигидан устун қўйди. У ҳатто медал топириш маросимидан ҳам қатнашмади, тўғрироғи, қатнашишни истамади.

Зайниддин Зиданнинг ота-онаси асли жазoirлик. Зидан 1972 йилда Франциянинг Марсель шаҳрида камбағал муҳожир оиласида дунёга келган. Болалиги кийинчилик билан ўтган. Чунки оилада Зайниддиндан бошқа яна тўртта фарзанд бор эди. Ота-онаси уларни жуда қийналиб боқарди. Балки шунинг учун футболчининг болаларга меҳри бўлақадир. Зайниддин ҳам бошқалар каби футбол ўйнашни кўчада бошлаган. Кейинроқ футбол мактабидан ташлам олган. Зидан профессионал футболдаги биринчи ўйинини 1989 йилнинг 25 май кунини бошлаган. Футболчи ўша кунни шундай эслайди: «Мен ўйин тугашига 15 дақиқа қолганда майдонга тушдим. Златко Вуевич, Руди Крол каби машҳур футболчилар билан тўп суриш жуда ёқимли, шу билан бирга, жуда шарофли эди. Уйин давомида ўч марта обғимга тўп теги. Лекин ўша лаҳза мендан бахтли инсон йўқ эди. Бунинг сабаби фақат футбол юлдузлари билан бир майдонда тўп суригани эмасди. Гап шундаки, мен ўн беш дақиқалик ўйиним учун бир чарм кўлқоп олишга ҳақиман. Ушундан кейин мен ҳар нарса қила олмайман».

Зиданнинг «Бошқалар билан футбол ўйнашнинг қандайдиган манфаатидан устун қўймайди», дейди. Зайниддин Зидан «Ювентус»да ўйнаб юрганда, унинг Испания клубларидан бирга ўтиши ҳақида бир неча марта гап тарқалган эди. Бу гапларнинг қанчалик рост ёки ёлгонлигини клуб раҳбари Анхельддан сўрашганда, у шундай жавоб берди: «Мен Зидани жамоада сақлаб қолиш тарафдориман. Барча унга интилиди. Аммо у ўз атрофига ҳаммани ҳам қийинлаштиривермасди. Зиданнинг ўз дунёси, ўз қарашлари бор эди. Хотини Верониканинг сурати ҳеч қачон ялтироқ журналлар саҳифасида чиқмаган, онаси ҳеч қачон чипо рекламасида суратга тушмаган, ўзи ҳам дайд экан, мен ҳеч нарса қила олмайман».

Вероника ҳам Францияда камбағал муҳожирлар оиласида туғилган. Унинг ота-онаси Испаниянинг Андалусия музофотидан келишган. У Зиданга турмушга чиқунга қадар мултоз балетдан болаларга дарс берган. 1998 йилги жаҳон чемпионатидан сўнг матбуотда футбол юлдузининг машҳур аёллар билан алоқаси ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилинди. Аммо Вероника уларга асло эътибор бермади. Журналистларнинг бу ҳақдаги саволларига жавоб берар экан, ўзига қараганда ҳам Зиданга кўпроқ ишонганини баён этди. Зиданнинг болажон инсон эканлиги юқорида таъкидлаб ўтдик. У ўзи серферзанд оилада ўсгани боис бир этак боласи бўлишни орзу қиларди. Ҳозир Вероника иккаласи тўрт фарзандни тарбияламоқда. Футболчи меҳрибон ота бўлиш билан бирга, гапхўр ўғил ҳам. У доимо ота-онасининг ҳурматини жойига қўяди. Зидан футболдан кетган кун ундан мухбирлар: «Энди биринчи қилдиган ишянгиз нима?», деб сўрашганда: — Отамни ўз ватаним — Жазoirга олиб бораман. Унга ўзи ўсган кичик қишлоқни, қуй боққан яйловларини, тоғларни кўрсатаман. Анчадан бунён шу ҳақда ўйлаб юрардим ва нияят шу орауимга эришдим, — дейди. Айтингчи, ота учун бундан ортқ бахт борми?

Соврин ўрнига пиво

Россиялик чанғичи Александр Легков Эстониянинг Опева шаҳрида ўтказилган мусобақада бешинчи ўринни кўлга киритди ва ташкилотчилар томонидан... бир яшк пиво билан тақдирланди.

«Атлетико» (Испания) дарвозабони Эйбл Ресино халқро учрашуларда 1275 дақиқа давомида дарвозаси дахлсизлигини сақлаб турган. Италия термаси дарвозабони Дино Зофф ҳам шундай кўрсаткичга эришган.




Футбол рекордлари

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридаги «Маракана» стадиони дунёдаги энг ерли футбол учрашуварининг бир кузатиши мумкин. Бразилия я Уругвай терма жамоалари ўртасидаги учрашувини томоша қилиш учун 19984 нафар ишқибоз келган.

1951 йилнинг июнида Англия — Австралия учрашувида 17:0 ҳисоби қайд этилган. 1997 йилда Эрон терма жамоаси ҳам Мальдив ороллари терма жамоасини шу ҳисобда мағлуб этган. Ички чемпионатдаги рекорд Шотландиянинг «Арброт» жамоасига тегишди. 1885 йилги Шотландия кубоги баҳсида ушбу клуб «Бон Аккорд» жамоасини 36:0 ҳисобида ютган.

Саудия арабистонлик футболчи Махжид Абдулла Муҳаммад 1978 — 1994 йиллар давомида терма жамоа сафида 147 марта майдонга тушган.



Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25. ГАЗЕТА тахририят компьютер марказида тервалди ва операторлар Жамшед Тоғиев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ КОТИБ — А. ОРИПОВ. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — М. ХОЛМАТОВА. НАВБАТЧИ — О. ФАЙЗОВ. МУСАҲХИХ — Ш. МАШРАББЕВ. «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. УЗА яқуни — 20.40 Топширилди — 21.10 2 3 4 5 6